

«Китобхонлик мактаби» лойиҳасининг навбатдаги сони ўтказилди



23:00 / 10.02.2022 1423

10 февраль куни «Китобхонлик мактаби» лойиҳасининг навбатдаги сони ўтказилди. Ушбу илмий анжуман «Ҳилол-Нашр» нашриётининг бош дўконида бўлиб ўтди. Анжуманга адабиётшунос олим, ёзувчи, устоз Эркин Малик, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби, Қуръон ходими, навоийшунос олим Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ҳамда тингловчилар иштирок этдилар.

Лойиҳанинг ушбу сони «Ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодлари»га оид мавзуда суҳбат қилинди.

Дастлаб суҳбатни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид бошлаб бердилар. Ҳазрат Алишер Навоий ўзи ким? Барчамизга маълумки, кўпчилигимиз бу зотни шоир деб биламиз. Ёки бу шахснинг фаолиятига қизиққанлар мутафаккир шоир ҳам бўлган экан дейишади. Аслида Навоийни таниш учун унинг сиймосини ёшлиқдан қандай таълим олганлигини яхши билиб олиш керак.

Навоий беш ёшидаёқ тасаввуф ва фалсафага оид бўлган китобни такрор-такрор мутолаа қилиш эвазига уни ёд олиб юборган. Натижада оталари ушбу китоб беш яшар болага оғирлик қилади деб, олиб қўйган. У кишининг ақлий ривожланиши дастлаб тасаввуфий илм билан шаклланди. Ўша

даврда сиёсий ноқулайлик сабаб Навоий ва оталари Ироққа боришади, дейди суҳбат чоғида имом ноиб. — У ерда Шарофиддин Али Яздий билан учрашади. Эрталаб туриб болалар масжид атрофида туришганида Шарофиддин Али Яздий болаларга хитоб қилиб: «Яхши келдийларми, ким мен билан гаплашади», дейди. Шунда Алишер Навоий мен гаплашаман деб жавоб беради. Хўп мактабда ўқияпсизми?, ҳа ўқияпман. Қайси дарсга келдингиз? Мулк сурасига келдим, деб жавоб берган экан Навоий. Кейин Шарофиддин Али Яздий у кишининг ҳаққига дуо қилган эканлар. Ўша вақтда Навоий олти ёки етти ёш бола бўлган. Шунингдек, Навоийнинг етук шахс бўлишида Амир Темур саройидаги илмий муҳитнинг таъсири жуда кучли бўлган. Ҳазрат Навоий айтадилар: «Мирзо Улуғбек етти қироат соҳиби бўлган». Улуғбек бу илмларни қаердан ўрганган албатта, Амир Темурнинг саройида таҳсил олган. Шундай муҳитда Навоий ҳам улғайган. Кейинчалик Абу Лайс Самарқандийдан фикҳ йўналишида таҳсил олган. Абу Лайс Самарқандий ўз замонасининг Абу Ҳанифаси бўлган. Демак биз Алишер Навоийни Ислом ва тасаввуф шоири десак ҳам муболаға бўлмайди. Туркий халқлар ичида Навоий тасаввуфий шеърят бўйича ягона шахс ҳисобланади.

Сўнгра филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов Навоийнинг асарлари, мазмун моҳияти ҳақида суҳбат қилиб бердилар.

Кейин тингловчилар томонидан Навоий ҳақида фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

«Китобхонлик мактаби» лойиҳаси islom.uz порталининг ижтимоий тармоқларида онлайн тақдим этилди.